

VII. КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(Адлия Вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги маълумотлар базаси асосида шакллантирилди)


Корхона ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз) 29 226 тага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлар сони 28 330 тани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 96,9 % ни ташкил қилди.

Рўйхатдан ўтган корхона ва ташкилотларнинг асосий улуши Наманган шаҳри (34,9 %), Чуст (8,2 %), Наманган (7,2 %) ва Уйчи (6,5 %) туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг ҳудудлар бўйича тақсимланиши (2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
Вилоят жами	29 226	100,0	28 330	100,0
Наманган ш.	10 205	34,9	9 807	34,6
Мингбулоқ	1 287	4,4	1 259	4,4
Косонсой	1 799	6,2	1 744	6,2
Наманган т.	2 094	7,2	2 026	7,2
Норин	1 335	4,6	1 329	4,7
Поп	1 786	6,1	1 744	6,2
Тўрақўрғон	1 808	6,1	1 764	6,2
Уйчи	1 900	6,5	1 845	6,5
Учқўрғон	1 605	5,5	1 568	5,5
Чортоқ	1 513	5,2	1 473	5,2
Чуст	2 400	8,2	2 327	8,2
Янгиқўрғон	1 494	5,1	1 444	5,1

Рўйхатдан ўтган субъектларнинг ҳудудлар бўйича улуши, % да
(2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)




Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 28,5 %), саноат (20,7 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ҳамда қурилиш (7,8 % дан) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши (2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		Фаолият кўрсатаётган	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
Жами	29 226	100,0	28 330	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 274	7,8	2 203	7,8
саноат	6 059	20,7	5 898	20,8
қурилиш	2 224	7,6	2 153	7,6
Савдо	8 339	28,5	8 036	28,4
ташиш ва сақлаш	1 041	3,6	1 015	3,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1 311	4,5	1 253	4,4
ахборот ва алоқа	421	1,5	405	1,4
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	590	2,0	574	2,0
бошқа турлари	6 967	23,8	6 793	24,0

Рўйхатдан ўтган тижорат корхоналари сони
(ташкилий-ҳуқуқий шакли бўйича 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра, бирликда)




Масъулияти чекланган жамият

Масъулияти чекланган жамият деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамоат фаолияти билан бўлиб зарар учун ўзлари қўшган хиссалари қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Жамиятнинг ўз хиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи хиссасининг тўланмаган қисмининг доирасида солидар жавобгар бўладилар. Масъулияти чекланган жамиятнинг фирма номи жамиятнинг номини, шунингдек “масъулияти чекланган” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Оилавий корхоналар сони
(2020 йил 1 июль ҳолатига кўра, бирликда)




Рўйхатдан ўтган оилавий корхоналар сони 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра 767 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 328 тага ёки 1,7 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналар сони 735 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 303 тага ёки 1,7 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январ-июнь ойларида янги ташкил этилан оилавий корхоналар сони 243 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 122 тага ёки 2,0 мартага ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг ҳудудлар кесимида сони
(2020 йил 1 июль ҳолатига кўра, бирликда)




Масъулияти чекланган жамиятлар сони (1 июль ҳолатига кўра, бирликда)


Рўйхатдан ўтган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2020 йил 1 июль ҳолатига кўра 16 231 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 3 251 тага ёки 125,0 % га ошганлигини кўриш мумкин.

Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятлар сони 15 837 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан олганда 3 024 тага ёки 123,6 % га ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йил январ-июнь ойларида янги ташкил этилган масъулияти чекланган жамиятлар сони 2 277 тани ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 154 тага ёки 6,3 % га камайганлигини кўриш мумкин.




Фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамиятларнинг худудлар кесимидаги сони (2020 йил 1 июль ҳолатига кўра, бирликда)



2020 йил 1 июль ҳолатига кўра масъулияти чекланган жамиятларнинг асосий қисми Наманган шаҳри 6 285 та (жамидаги улуши 39,7 %), Уйчи 1 105 та (7,0 %), Наманган 1 064 та (6,7 %), Поп 996 та (6,3 %), Чортоқ 954 та (6,0 %), Косонсой 935 та (5,9 %), Чуст 851 та (5,4 %), Янгиқўрғон тумани 836 та (5,3 %), Норин 758 та, Тўрақўрғон 761 та (4,8 %дан) Хиссасига тўғри келади. Аксинча энг камлари Мингбулоқ 570 та (3,6 %), Учқўрғон 722 та (4,5 %), туманлари хиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, фоизда
(2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)**





Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига фаолият кўрсатаётган субъектларнинг улуши 96,9 % ни, шу билан бирга жами корхона ва ташкилотларнинг умумий сонига нисбатан фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 3,1 % ни ташкил этганлигини кўрсатмоқда, бу кўрсаткич йил бошига нисбатан таққослаганда 0,6 % га камайган.

Корхона ва ташкилотларнинг умумий сонидан фаолият кўрсатаётганлар ва фаолиятсизларнинг улуши, фоизда

01.07.2019 йил

01.07.2020 йил




■ Фаолиятсизлар

■ Фаолият кўрсатаётганлар

2020 йил 1 июль ҳолатига 24 120 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан хусусий корхоналар – 6 971 та, оилавий корхоналар – 735 та, масъулияти чекланган жамиятлар – 15 837 тани ва 577 тани бошқа тижорат корхоналари ташкил этади.

Фаолият кўрсатаётган юридик шахслар-хўжалик юритувчи субъектларнинг ташкилий ҳуқуқий шакллари бўйича тақсимланиши, бирликда




2020 йилнинг январь-июнь ойларида жами 3 248 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 8,8 % га кам ташкил этилган. Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (667 та), Поп (333 та), Наманган (282 та), Уйчи (263 та) ва Тўрақўрғон (259 та) туманларига тўғри келади. Энг кам эса, Чортоқ (185 та), Учқўрғон (188 та) ва Янгиқўрғон (197 та) туманларига тўғри келмоқда.

Ахборот ва алоқа соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар тўғрисида маълумот, бирликда

■ 2020 йил 1 июль ҳолатига ■ 2019 йил 1 июль ҳолатига




**Ҳудудлар бўйича янги ташкил этилган корхона
ва ташкилотларнинг сони, birlikда
(2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)**



Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг улуши савдода 39,0 %, саноатда 22,2 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 16,1 %, қурилишда 8,3 % ни ташкил этади.

**Янги ташкил этилган корхона ва ташкилотларнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(2020 йилнинг январь-июнь ойларида)**



2020 йил 1 июль ҳолатига вилоятимизда фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг сони 23 987 тадан ортиқни ташкил этди. Бу кўрсаткич 2019 йил мос даврига нисбатан 19,4 % га ошган.


Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми, яъни 8 541 таси (жами субъектларнинг 35,6 %) Наманган шаҳрига, 1 987 таси (8,3 %) Чуст, 1 787 таси (7,4 %) Наманган ҳамда 1 568 таси (6,5 %) Уйчи туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам фаолият кўрсатаётганлар эса 1 010 таси (4,2 %) Мингбулоқ, 1 074 таси (4,5 %) Норин, 1 159 таси (4,8 %) Янгиқўрғон, 1 212 таси (5,1 %) Чортоқ, 1 285 таси (5,4 %) Учқўрғон туманлари ҳиссаларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
ҳудудлар бўйича сони**

	2019 йил 1 июль ҳолатига		2020 йил 1 июль ҳолатига	
	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да	бирлик	жамига нисбатан улуши, % да
Вилоят жами	20 098	100,0	23 987	100,0
Наманган ш.	7 722	38,4	8 541	35,6
Мингбулоқ	759	3,8	1 010	4,2
Косонсой	1 219	6,1	1 472	6,1
Наманган т.	1 457	7,2	1 787	7,4
Норин	803	4,0	1 074	4,5
Поп	1 065	5,3	1 405	5,9
Тўрақўрғон	1 197	6,0	1 487	6,2
Уйчи	1 277	6,4	1 568	6,5
Учқўрғон	1 035	5,1	1 285	5,4
Чортоқ	995	5,0	1 212	5,1
Чуст	1 658	8,2	1 987	8,3
Янгиқўрғон	911	4,5	1 159	4,8


Фаолият кўрсатаётган жами 23 987 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 8 005 таси (33,4 %) - савдода, 5 846 таси (24,4 %) - саноатда, 2 168 таси (9,0 %) - қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида, 2 143 таси (8,9 %) - қурилишда, 1 249 таси (5,2 %) - яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар соҳасида, 1 010 таси (4,2 %) - ташиш ва сақлашда, 475 таси (2,0 %) - соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатишда, 376 таси (1,6 %) - ахборот ва алоқа соҳасида шунингдек, 2 715 таси (11,3 %) - бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турларига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)**



2020 йил январь-июнь ойларида жами 3 184 та кичик тадбиркорлик субъектлари янги ташкил этилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 7,5 фоизга кам ташкил этилган. Энг кўп янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар Наманган шаҳри (648 та), Поп (327 та), Наманган (276 та), Уйчи (260 та) ва Тўрақўрғон (257 та) туманларига энг кам ташкил этилганлар эса, Учқўрғон (182 та), Чортоқ (183 та) ва Янгиқўрғон (194 та) туманларига тўғри келади.

2020 йил январь-июнь ҳолатига янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳудудлар бўйича сони, бирликда




Иқтисодий фаолият турлари кесимида энг кўп ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалар савдода (1 266 та), саноатда (716 та), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида (519 та), қурилишда (270 та) ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда (119 та) ташкил этилган. Энг кам эса, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматларда (41 та), ахборот ва алоқада (47 та) ташкил этилган.

Кичик тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш асосида уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаганлиги сабабли, фаолият кўрсатмаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг жами рўйхатга олинганларнинг умумий сонига нисбатан улуши юқори бўлмоқда. Жумладан, 2020 йилнинг 1 июль ҳолатига Наманган вилоятида жами рўйхатдан ўтган кичик тадбиркорлик субъектларининг умумий сонига фаолият кўрсатмаётганларнинг улуши 3,3 % ни (783 та) ташкил қилган, уларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 277 тага камайган.

Ҳисобот даврида 455 та кичик тадбиркорлик субъектлари фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 371 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 81,5 %) қўшиб олиш орқали тугатилган.

**Янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг
иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши, % да
(2020 йил январь-июнь ойларида)**



Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар. 2020 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 250 тани ташкил этган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 68 тага ёки 37,4 % га ўсган. Шунингдек, Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналардан 162 таси қўшма корхоналар, 88 таси эса хорижий корхоналар ҳисобланади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар
таркибида қўшма ва хорижий корхоналар сони, бирликда
(2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)**



**Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган
корхоналарнинг давлатлар кесимида
сони, бирликда
(2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)**




Хорижий капитал иштирокидаги фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳар 78 та (31,2 %), Косонсой, Поп 24 тадан (9,6 %), Тўрақўрғон 20 та (8,0 %), Чортоқ ва Чуст 18 тадан (7,6 % дан), Уйчи 18 та (7,2 %), туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Энг кам хорижий капитал иштирокида корхоналар Мингбулоқ, Учқўрғон 6 та (2,4 % дан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Бу эса мазкур ҳудудларда хорижий ҳамкорлар билан ишлашни, инвестициялар жалб этиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларни янада ривожлантиришни талаб этади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги
корхоналарнинг ҳудудлар бўйича сони ва улуши
(2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)**

	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>
Вилоят жами	250	100,0
Наманган ш.	78	31,2
Мингбулоқ	6	2,4
Косонсой	24	9,6
Наманган т.	13	5,2
Норин	11	4,4
Поп	24	9,6
Тўрақўрғон	20	8,0
Уйчи	18	7,2
Учқўрғон	6	2,4
Чортоқ	19	7,6
Чуст	19	7,6
Янгиқўрғон	12	4,8

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг улуши, фоизда
(2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)**



Фаолият кўрсатаётган 250 та хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича олиб қарайдиган бўлсак, 141 таси (56,4 %) саноат, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиғида 30 та (12,0 %), 29 та (11,6 %) савдо, 12 таси (4,8 %) қурилиш, 9 таси (3,6 %) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, 8 таси (3,2 %) яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда, 3 таси (1,2 %) ташиш ва сақлашда ҳамда 18 таси (7,2 %) бошқа фаолият турлари ҳиссаларига тўғри келади. Шундан кўриниб турибдики, фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми саноат ва савдо фаолият турига тўғри келади. Шунингдек, энг кам улуши эса ташиш ва сақлаш ҳамда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар фаолият турларига тўғри келади.

**Фаолият кўрсатаётган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
иқтисодий фаолият турлари бўйича сони ва улуши
(2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)**

	бирлик	Жамига нисбатан улуши, % да
Жами	250	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	30	12,0
Саноат	141	56,4
Қурилиш	12	4,8
Савдо	29	11,6
ташиш ва сақлаш	3	1,2
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	8	3,2
ахборот ва алоқа	-	-
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	9	3,6
бошқа турлари	18	7,2

2020 йил январь-июнь ойларида хорижий капитал иштирокидаги рўйхатдан ўтган янги корхоналарнинг сони 31 тани ташкил қилган. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18 тага камайган ёки 63,3 фоизни ташкил қилган.

Бунда, Россия Федерацияси Республикаси – 4та, Қозоғистон Республикаси – 3 та, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Қирғизистон, Жанбий Корея, Қирғизистон Республикалари – 2 тадан, Афғонистон, Канада, Нидерландия, Англия, Сингапур, Швейцария Иттифоқи, Сурия, Тожикистон, Бирлашган Араб Амирлиги Республикалари –1 тадан янги корхоналар рўйхатдан ўтган.


Вилоятдаги 31 та янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг асосий қисми Наманган шаҳар, Поп (6 тадан), Тўрақўрғон (4 та), Наманган тумани, Косонсой ва Чортоқ (3 тадан) туманлари ҳиссаларига тўғри келади. Хорижий капитал иштирокидаги корхоналар Норин туманида ташкил этилмаган.

**Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг
ҳудудлар кесимидаги сони ва улуши
(2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)**


	<i>бирлик</i>	<i>Жамига нисбатан улуши, % да</i>
Вилоят жами	31	100,0
Наманган ш.	6	19,3
Мингбулоқ	2	6,5
Косонсой	3	9,7
Наманган т.	3	9,7
Норин	-	-
Поп	6	19,4
Тўрақўрғон	4	12,9
Уйчи	1	3,2
Учқўрғон	1	3,2
Чортоқ	3	9,7
Чуст	1	3,2
Янгиқўрғон	1	3,2

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарни иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрадиган бўлсак, асосан саноатда 19 та, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 6 та, савдода 4 та, ташиш ва сақлаш, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларда 1 тадан хорижий капитал иштирокидаги корхоналар янги ташкил этилган.

Янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони, бирликда (2020 йилнинг 1 июль ҳолатига)



2020 йил январь-июнь ойларида янги ташкил этилган хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг давлатлар кесимидаги сони, бирликда



Оилавий корхоналар. Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтган оилавий корхоналар сони, 2020 йил 1 июль ҳолатига 767 тани ташкил этиб, улардан 735 таси ёки 95,8 % фаолият юритади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан давлат рўйхатидан ўтганларнинг умумий сонига нисбатан ўртача 72,4 % га ошганлигини таъкидлаш мумкин.